ШАРТНОМА № 93

Мархамат туман.   «5» октябр 2022 й

Бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи Мактабгача таълим булими номидан низом асосида фаолият олиб борувчи рахбари С.Шамшиева бир томондан ва бундан буён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи “Роввот ширин меваси" агрофирмаси номидан низом асосида фаолият олиб борувчи рахбари В. Арслонов бошка томондан, ушбу шартномани куйидагилар тугрисида туздилар.

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи махсулотни кабул килади ва тулайди. Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофик етказиб беради:

| № | Товарларнинг номи | Лот раками | Улчов бирлиги | Микдори | Бирлик махсулот нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Чинни (пахта гулли) | 154764 | Дона | 5177 | 4350 | 22519950 |
| 2 | Гарелка (пахта гулли) | 154764 | Дона | 5177 | 6350 | 32873950 |
| 3 | Пиёла (пахта гулли) | 154764 | Дона | 5177 | 3350 | 17342950 |
| | Жами: | | | | | 72736850 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 72736850 (Етмиш икки миллион етти юз ўттиз олти минг саккиз юз эллик сўм) сум.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида руйхатга олинган кундан бошлаб 5 календарь куни ичида конунчиликка мувофик шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни махсулотни олгандан сўнг 10 календар куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 10 календар куни ичида махсулотни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик махсулотни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" махсулотларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган махсулотларнинг туликлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошка талабларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка холлар кузда тутилмаган булса, махсулотларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра махсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган махсулот бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган махсулотларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга ошири лади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур булган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи хисобидан махсулотлар ташиб келтирилганда. Етказиб берувчидан транспорт хараждатларини коплаб беришни талаб килиш агар мазкур шартноманинг шартларида бошка холлар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофик тегишли сифат, ассортимент бўйича махсулотларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:

-тегишли сифатдаги шунга ухшаш товар билан алмаштириб бериш;

-камчиликларни бегараз бартарф этиш;

-Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаган лиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

-товарларнинг кийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тулаш.

3.3 Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тулов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб - китобларни Узбекистон Республикасинин г амалдаги конунчилигида кузда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш;
-Буюртмачидан шартнома шартларига мувофик етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб килиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:
-Буюртмачига товарларни мазкур контракга мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;
-агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва ёки Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида четга чикишга йук куйган холларда Буюрмачининг талаби буйича 3-кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиларган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар уз зиммаларига олган барча мажюуриятларнинг ижросини таъминлаган такдирда контракт бажарилган хисобланади.

## 4.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:
-Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) махсулотлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган махсулотлар буйича эса 10 фоиз микдорида жарима тулайди.
-Махсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган холда, танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) махсулотлаб киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.
-Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (ғазначилик органларига тўлов топширикномасини такдим килмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.
-Етказиб берилган махсулотлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.2. Етказиб берувчи:
- микдор, сифот, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган махсулотларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиклиги;
- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради;
- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиларган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) махсулотларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар махсулотлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.
- Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, махсулот еткзиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.
- Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган махсулотларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган махсулотларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган махсулотларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай махсулотлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Махсулотлар кабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб килишга хаклидир.

## 5.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидаги кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8.КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал килади.

8.2. Контрактнинг амал килиши бир томоннинг ташабуссига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза тоаширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхталиши мумкун. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда контракт бажарилган хисобланади.

8.3. Контрактнинг амал килиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди.

## 9.ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| "Етказиб берувчи" | "Буюртмачи" |
| --- | --- |
| **"Роввот ширин меваси агрофирм" агрофирма** | Номи:Мархамат туман МТБ |
| Манзил: Мархаат туман | Манзили: Мархамат тумани Шомат МФЙ |
| Тел :99 097-47-57 | Тел./факс |
| х/р: **20208000900729921001** | ШХВ: 100022860032277091100251020 |
| МФО: 00035 ИНН: 304486437 | СТИР: 305155325, ХХТУТ:85100 |
| Банк номи: Агробанк АТБ Мархамат филиали | Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона ғазна ҳисоб варағи |
| | Ғазна х/р : 2340 2000 3001 0000 1010 |
| | МБ ББХККМ Тошкент шахар |
| | МФО: 00014, СТИР: 201122919 |
| Рахбар ____________ В. Арслонов | Рахбар ____________ С.Шамшиева |

GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: 221452661468

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ XN47767722

**1. Loyihaning turi** – shartnoma

**2. Loyihaning nomi** – Tuman maktabgacha ta'lim bo'limining "Rovvot shirin mevasi" agrofirmasi bilan 72 736 850 so'm miqdoridagi mahsulot yetkazib berish bo'yicha 93-son shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot** - Marhamat tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 3.10.2022 yil kuni taqdim etilgan.

SHartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marhamat tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i** **G'.Umarov**

6.10.2022 yil

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Мархамат тумани МТБ раҳбари

С Шамшиева

« 3 » октябр 2022 йил

## ЙИГИЛИШ БАЁНИ № 19

« 5 » октябр 2022 йил — Мархамат тумани

Йиғилиш раиси: С.Шамшиева

Йиғилиш катнашчилари: Г.Умарова, М.Абдиев, Э.Отажонов, Ф.Ахмадалиев

### КУН ТАРТИБИ:

1 Мархамат тумани МТБга карашли МТТларга хўжалик моллари сотиб олиш ишларини сифатли ва арзон нархларда бажарувчи ташкилотни танлаш учун танлов ўтказиш

### ЭШИТИЛДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан С.Шамшиева сўзга чикиб танловда иштирок этаётган 3 нафар ташкилотларнинг таклифлари куйидагича:

| № | Махсулот номи | Лот раками ва Суммаси | "Роввот ширин меваси" агрофирма | "Аъло сифат 707" МЧЖ |
|---|---|---|---|---|
| | | | Сум | Сум |
| 1 | Мархамат тумани МТБ га карашли МТТларга хўжалик моллари сотиб олиш учун | Лот №154764, Суммаси 74 289 950 | 72 736 850 | 73 513 400 |
| 2 | Ишни якунлаш муддати | | 7 кун | 10 кун |

С.Шамшиева танловда ўкиб эшитирилган катнашчиларни танлашда асосий эътиборни сифатли ва арзон нархларда бежарадиган пудратчини танлашимиз керак.

Шуларни хисобга олиб, танлов ғолиби ва ушбу "Роввот ширин меваси" агрофирма билан шартнома тузиш максадга мувофик деб ўйлайман.
Эркин танлов натижасига кура бахолаш комиссияси аъзолари.

### КАРОР КИЛАДИ.

1. "Роввот ширин меваси" агрофирма нархи буйича таклифи маъкул хисобланиб, эркин танлов ғолиби деб тан олинсин.
2. "Роввот ширин меваси" агрофирма билан шартнома тузиш бош хисобчи зиммасига юклатилсин.
3. Икки кунли мухокамалардан сўнг нарх буйича таклифни маъкуллаган "Роввот ширин меваси" агрофирмага хеч қандай етроз бўлмади.

Йиғилиш раиси: МТБ мудири

Йиғилиш катнашчилари: Бош хисобчи

Бош иктисодчи

Хўжалик мудири

ЭТХБ бошлиғи